


Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз! | “Маданият карвони”нинг концерт дастурлари “Намуна” маҳалласида бўлиб ўтди



“Маданият карвони”нинг бугунги манзили Термиз туманининг “Намуна” маҳалласи бўлди. Сурхондарё архитектура ва қурилиш техникуми биносида “Намуна”, “Мустақиллик” ва “Янги ер” маҳаллалари аҳолиси учун концерт дастурлари ва ижодий учрашувлар ҳамда “Китоблар карвони” тадбирлари бўлиб ўтди.

Концерт дастурида шоирлар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари ҳамда сўз усталари ўзларининг чиқишлари билан иштирок этишди. Ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирда иштирок этган барча ёшу-қарини ўйин кулгуларга чоралади.

Аҳоли кайфиятини кўтариш ва маданий хордиқ олишлари учун ташкил этилган “Маданият карвони” жорий йил 14 сентябрь кунига қадар туманимиз маҳаллаларида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда концерт дастурларини намойиш этишади.

